2003 YIL 4 SENTYABR, PAYSHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№116 (6.641). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА

ҚАТРАСИДА ҲАЁТ МУЖАССАМ (1-2-саҳифаларда)

БУВАЙДА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА (1-3- саҳифаларда)

КАМБАҒАЛНИНГ КУНИ КУРСИН... (1-4-саҳифаларда)

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 сентябр куни Оқсаройда Лондон Сити Лорд-мэри Гэвин Артурни қабул қилди.***

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги муносабатлар мамлакатимиз мустақилликка эришган илк даврданоқ жадал ривожланиш палласига кирган эди. 12 йилдан буён Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги энг ишончли шерикларидан бири бўлиб келмоқда.

Буюк Британия нафақат иқтисодий йўналишда, балки таълим, маданият каби соҳаларда ҳам Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган давлатдир. Ўнлаб ўзбекистонлик талабалар ушбу мамлакатнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олади. Шу йилнинг май ойида эса Тошкентда Халқаро Вестминстер университети очилди. Таъкидламоқ жоизки, бу хайрли ишни амалга оширишда Лондон Ситининг ҳам ҳиссаси бор.

Ислом Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз аҳли нафақат Буюк Британия ёки Европа қитъасида, балки бутун жаҳонда нуфузли ўрин тутадиган Лондон Ситининг имконият ва салоҳиятини яхши билишини таъкидлади.

- Ушбу ташрифингиз икки мамлакатда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилиш кучли эканлигига яна бир далилдир, -деди Ислом Каримов учрашувда. - Биз муносабатларимизни юксак қадрлаймиз.

Г.Артур Ўзбекистонга Лондон Сити маъмуриятининг етакчи вакиллари билан бирга келган. Меҳмонларнинг ташрифдан кўзлаган мақсади юртимизда бизнес юритиш шарт-шароити билан яқиндан танишиш, тобора жадаллашаётган хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиш, нефт-газ саноати каби соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш имкониятларини ўрганишдан иборат.

Учрашувда Ўзбекистон билан Буюк Британия, хусусан, Лондон Сити ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**



**Бекобод туманидаги «Далварзин таъмирлаш заводи» ҳиссадорлик жамиятида айни дамда иш қизғин. Бу ерда деҳқонга қанот бўлгувчи МТЗ-80 русумли тракторларнинг двигателлари, культиваторлар, ПР-500, ПР-210 маркали сув насослари ва бошқа турли-туман эҳтиёт қисмлари таъмирдан чиқарилиб, мавсумга шай қилинмоқда. Шунингдек, заводда "Зил", "Газ"русумидаги юк машиналарига дизель двигателларини ўрнатиш ҳам йўлга қўйилган.**

**СУРАТДА: ишчилар Баҳром Мажидов ҳамда Абдурашид Исломовлар янги таъмирланган эҳтиёт қисмни кўздан кечиришмоқда.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

- **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳ.С. Караматовни Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.**
- **Юртимизга ташриф буюрган Лондон Сити Лорд-мэри Гэвин Артур бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди.**
- **Ўртачирчиқ тумани Навоий ширкат хўжалигининг Чангтепа қишлоғида 320 ўринли янги мактаб фойдаланишга топширилди.**
- **«Шифокорлар чегара билмайди» халқаро инсонпарварлик тиббий ташкилоти /MSF/ Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Қорақалпоғистонда сил касаллигини даволаш бўйича ДОТС дастурини кенгайтириш ишларини ниҳоясига етказди.**
- **Хоразм вилоятининг Питнак шаҳрида қайта таъмирлашнинг иккинчи навбатидан сўнг маиший хизмат касб-ҳунар коллежи очилди.**
- **Гулистонда «Лола-Model JV» қўшма корхонаси очилди. Уни Ўзбекистон, АҚШ ва Туркия тадбиркорлари таъсис этди.**
- **Амударё туманидаги «Қанғли» фермер хўжаликлари бирлашмасининг «Жумабой оға» овулида янги замонавий мактаб фойдаланишга топширилди.**
- **Буюк Ипак йўлининг Касбий денгизи орқали Европа давлатларига олиб чиқадиган Устюрт кенгликларидан ўтадиган 241 километрлик Қўнғирот-Бейнеу йўли қурилишининг биринчи босқичи тугалланди.**
- **Гулистонда анъанавий қовун сайли бўлиб ўтди.**
- **Жанубий Кореянинг Дэйгу шаҳрида XXII Жаҳон талабалари универсиадаси мусобақаси якунланди. Унда ҳамюртимиз А.Тангриев дзюдочилар мусобақасида олтин медалга сазовор бўлди.**

# БАЙРАМЛАР ЎТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ

### ТУЙҒУ

***Куни кеча Мустақилликнинг ўн икки йиллик байрам шодиёналари мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида катта тантаналар билан нишонланди. Қанчалик тайёргарлик кўриб, ҳаяжон-ла орзиқиб кутган қутлуғ кунимиз кўнглимиздагидай ўтди.***

Бунинг ҳеч қанақа ажабланарли ери ҳам йўқ. Чунки вақт чархпалаги, замон ғилдираги бир лаҳза тўхтамайди. Ҳар қандай яхши кун ҳам, байрамлар ҳам ўткинчи, улар умримизга сайқал, янаям тўғрироғи, кечаётган кунларимиз силсиласида олтин ҳалқалар каби хотирамизда муҳрланиб қолаверади.

Кечагина Истиқлолимизнинг мучал айёми тантана қилинган тарихий сана ҳам мозийга айланди. Ўн икки йил. Бир қараганда кўҳна тарих олдида қисқа муддат. Вақт эса шиддатли. Ахир, кечагина эмасмиди, муҳтарам Юртбошимиз юксак минбардан туриб мамлакат мустақиллигини эълон қилгандилар.

Сир эмас, дастлаб мамлакатимизга нисбатан ғаразгўйлар томонидан Ўзбекистон аталмиш бетакрор диёрнинг мустақилликни "эплай" олмаслиги, қарамликка ўрганган халқ эркинликда яшашга қобил эмаслиги ҳақида турли-туман башоратлар ҳам қилинганди. "Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир" турадиган айрим манфаатпараст кимсалар, ёвуз ниятли гуруҳлар давлатимиз барқарорлиги, юртимиз осойишталигига раҳна солишга ҳаракат қилиб ҳам кўрдилар. Бироқ одил ва оқил Юртбошимиз раҳнамолигида Ватан истиқлолини мустаҳкамлаш мақсадида олдинга интилаётган халқнинг йўлига ҳеч қандай ғов тўсиқ бўлолмайди. Эрк куйчиси Чўлпон айтганидек: "Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир".

Биз мустақилликка эришганимиздан шу кунгача бўлган даврни тарих олдидаги қисқа бир лаҳзага қиёсладик. Аслида бу оз фурсат эмас. Мустақиллигимиз билан бир пайтда дунё юзини кўрган чақалоқ бугун оқ-қорани таний оладиган, дунёқараши шаклланиб бораётган ўсмирга айланди. Ўн икки йил аввал ерга қадалган ниҳоллар чуқур илдиз отган, кўкка бўй чўзган навқирон дарахтларга айланди. Бинобарин, мустақил Ватанимиз ҳам ўтган давр мобайнида дунё эътиборига тушди. Ер юзидаги етакчи давлатлар Ўзбекистонни тенг ҳуқуқли, мустақил давлат сифатида тан олди. Ўзбекнинг музаффар туғи Нью-Йоркда, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳашаматли биноси узра ҳилпирай бошлади. Дунёнинг энг узоқ нуқталарида ҳам Ўзбекистоннинг элчихоналари фаолият кўрсата бошлади. Юртимизда хорижий давлатлар билан ҳамкорликда юзлаб қўшма корхоналар ишга тушди. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси остидаги рақобатбардош маҳсулотлар ташқи бозорда ҳам ўз талабгорларини топмоқда. Ўзбек машиналари дунёнинг ҳар томонида қушдек парвоз қилмоқда. Ўзбек йигит-қизлари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция каби ўнлаб мутараққий давлатларда таҳсил олаётир. Ватанимизнинг забардаст спортчилари нуфузли халқаро мусобақалардан ғалаба билан, шода-шода медаллар билан қайтишмоқда...

Аслида бу гаплар кўп бор айтилган. Бу ҳақда кўп ёзилган. Буларнинг барчаси Истиқлол шарофатидан эканлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Зеро, Истиқлол шу қадар муқаддас тушунчаки, уни ҳар қанча мадҳ этсак, у туфайли яратилган чексиз имкониятлар ҳақида қанчалик гапирсак оз. Бироқ мустақилликни фақат эътироф этиш эмас, уни кўз қорачиғидай асрамоқ, керак бўлса, ана шу озодликни сақлаб қолмоқ учун жон фидо қилмоқ керак. Такрор бўлса-да айтайлик, ўзбек халқи мустақиллик учун асрлар бўйи курашди. Мустабид босқинчиларга мардонавор қарши чиқди. Широқ, Муқанна, Мангуберди, Торобий, Темур Малик, Дукчи эшон каби аждодларимиз, Тўмарис, Қурбонжон Додҳо каби момоларимиз шу муқаддас заминни ёвлар оёғи остида топталмаслиги, шу юртнинг аёллари тул, эркаклари қул бўлмаслиги учун жон олиб, жон бердилар. Демак, биз мустақиллигимизни қўриқлаш баробарида ўша эркпарвар боболаримиз, момоларимизнинг покиза руҳлари олдидаги юксак масъулиятни ҳам оқлаган бўламиз.

Илло, бу ёруғ оламда Ватан биттадир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, "Жаҳон кенг, дунёда мамлакат кўп, лекин бу оламда бетакрор она юртимиз Ўзбекистон якка-ю ягона. Бу гўзал юрт, бу муқаддас замин фақат бизга ато этилган. Шу улуғ туйғу ҳар биримизнинг дилимизга жо бўлиши, ҳаётимиз мазмунига айланиши лозим".

Дарҳақиқат, Ватан туйғуси Ватаннинг ўзи каби муқаддас, муаззам! Ҳар биримизнинг қалбимизда Ватан туйғуси барқарор экан, истиқболимиз порлоқ, истиқлолимизнинг мангу бўлиши шубҳасиз. Байрамлар ўтиб кетаверади, Ватан эса абадий. Бинаборин, унинг мустақиллиги ҳам абадий бўлмоғи шарт ва муқаррар.

Обод юртнинг, озод Ватаннинг эса ҳар куни байрамдир.

**Жаббор РУСТАМОВ**





# БИБИ УБАЙДА ВОРИСЛАРИ

### ВАТАН СИЙРАТИ

***Бувайда тумани 1926 йилгача Биби Убайда, деб аталган. Биби Убайда ким? У ҳақида ҳозирча ягона манба бўлиб ҳисобланаётган Муноқиби шоҳ Жарир, Шоҳ Фозил ва Муҳаммад Жарир номли китоб араб тилида ёзилган.***

Уни Хўжандий деган киши форс тилига, шоир Ҳаким Холис эса туркий тилга шеърий таржима қилган. Араб алифбосида ёзилган ушбу рисола 1994 йилда Турсунбой Набиев ва Маҳмуд Ҳасаний муаллифлигида "Сафид Булон қиссаси" номи билан нашр этилган. Тарих фанлари номзоди Эркин Ҳайитбоевнинг таъкидлашича, ушбу китобда VII асрнинг 80-йилларидан VIII асрнинг 70-йилларигача бўлган давр қамраб олинган.

"...Карвонбас имом Жарирга мурожаат қилиб, "Парда ичида сақлаб юрган қизимни сизга лозим кўрдим" дейди. Никоҳ ўқилади. Имом Карвонбаснинг қизи Биби Убайдани хотинликка олади. Биби Убайда Муҳаммад пайғамбаримизга фақат невара келингина эмас, балки Фарғона музофотида исломни қабул қилган биринчи аёллардан бўлиб қолади.

Собиқ тузум даврида ҳукмрон тилга мослаштириб талаффуз қилиш оқибатида тарихий шахс Биби Убайда номи Бувайда деб атала бошлаган ва ҳужжатларда ҳам шундай қайд этилган.

Тумандаги энг кўҳна қишлоқ Ҳазрати Биби Убайда номи билан аталган.

**(Давоми 3-бетда)**

### МУНОСАБАТ

# ИСТИҚБОЛГА ИШОНЧ СЎНМАСИН

***Қорақалпоғистонда ер фонди, айниқса, суғорма деҳқончиликда фойдаланилаётган ерлар маълум даражада минераллаштирилган бўлиб, ўзлаштириш лозим бўлган ерларнинг кўпчилик қисми ирригация тизимлари таъсир этадиган ҳудудларда жойлашган. Ҳозирда бу ерлар шўрланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Шундай шароитда мелиоратив ҳолатни яхшилаш учун қандай йўл тутиш керак?***

Тўрткўл саноат транспорт коллежи ўқитувчиси, ёш тадқиқотчи Умиджон Абдураҳмонов бу борада илмий изланишлар олиб бораётир.

-Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалигига ярోқли шўрланган ҳудудда мелиоратив ҳолатини яхшилаш асосан икки йўналишда амалга оширилиши лозим, - дейди Умиджон. – Шўрланган ерлардаги тупроқнинг шўрини ювиш орқали ва зовурлар қазиш йўли билан ер ости сув сатҳининг меъёрий чуқурликдан пастда ушлаб туриш орқали бундай ҳолнинг олдини олиш зарур

**(Давоми 2-бетда)**

# ҲАР ТОМЧИСИ АЗИЗ

### СУВ - ҲАЁТ МАНБАИ

***Жамики жониворлар, ўсимликлар, ер юзида, тоғу тошлар орасида, денгиз ва океан сувларида яшовчи мавжудотлар сувсиз яшай олмайдилар. Шунинг учун ҳам сувни ҳаёт манбаи, деб бежиз айтишмаган.***

Сувнинг эҳтиёж даражасидан кам бўлиши ривожланишга салбий таъсир кўрсатгани каби, унинг эҳтиёждан ортиқ бўлиши ҳам ҳаёт ривожига салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам ота-боболаримиз ҳамма вақт сувдан тежаб-тергаб, унумли фойдаланиб келганлар. Сувга бўлган бундай муносабат халқимиз анъаналарида, урф-одатларида чуқур ўрин олган.

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида Марказий Осиё давлатлари минтақасида янги ерлар ўзлаштирилиши ҳисобига суғориладиган ерлар миллионлаб гектарга кўпайтирилди.

**(Давоми 2-бетда)**

### МЕРОС

# ҚАДИМИЙ БИТИКЛАР

***Исмоил Сомоний мақбараси шарқий эшигида арча ёғочига ўйилган "Исмоил ибни Аҳмад" деган куфий ёзувдаги битик худди мақбара каби минг йилдан ошиқ қадимий тарихга гувоҳдир.***

-Ёдгорликларда ёзиб қўйилган бундай битиклар тарихий ҳақиқатни тиклашда ҳам жуда асқотади, - дейди Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасининг Бухоро вилоятидаги вакили Ғафуржон ҳожи Раззоқов.

-Масалан, Чашмаи Аюб хусусида кўпгина ривоятлар бор. Алп Арслонхон даврида бунёд этилган бу табаррук гўша ҳақида тарихнавис Муҳаммад ибн Абу Бакр Хўжа Ғунжорийнинг (1020 йилда вафот этган) "Бухоро тарихи" китобидаги "Ҳазрати Аюб қабрлари бу ерда эмас, у Рамаллоҳда" деган маънони берувчи сўзлари шу меъморий обидада ҳам битилган.

Айтиш жоизки, соҳибқирон Амир Темур даврида бу гўша таъмирланган. Қайрағоч ёғочида битилган ёзув шундан далолат беради.

**(Давоми 4-бетда)**

# ҚАРЗ

### ҲИКОЯ

***-Бўлдими?***

***Шипини ис босган, девори ва унда-бунда осилган латта-путталар қурумдан қорайган уйда, бурчакдаги эски кўрпачага ёнбошлаганча шопиёлага чой қуяётган эллик ёшлардаги қоп-қора киши ўзига-ўзи савол бераётгандек сўради.***

Унинг эгнида ҳар жой-ҳар жойига ласдан ямоқ тушган жемпер, пахталик шим, жиягининг яғири чиқиб кетган дўппини пешонасининг бир томонига қия қўндириб олгани – нотавон кўнгилга кўтир жомашов, унга олифтанамо бир тус бағишлайди.

Елкага осиб юриладиган сумкага нон, олма, нок... туршак, шунга ўхшаш бир-икки ҳафталик емишларини жойлаб бўлган талаба – ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги йигитча ҳуснбузар тоша бошлаган иягини қашиб, гуноҳ иш устида қўлга тушгандай бошини эгди, "шулқ" эткaзиб бурнини тортиб қўйди.

Бир-икки кунлик дам олишга келган ўғлини кўнгилдагидек кузатишга ҳаракат қилиб, унинг атрофида гирдикапалак бўлганича тимирскиланиб юрган аёл илкис бошини буриб эрига қаради. Унинг бамайлихотирлик билан савол бериб, ҳеч нима кўрмагандек шопиёладаги ивиган қора нонни оғзига тиқиб, икки лунжини тўлдириб олгани аёлнинг авзойини бузди.

**(Давоми 4-бетда)**

### ҲИКМАТ

***Сени мақтасалар, танангга яхшилаб ўйлаб кўр, ўзинг шунга лойиқмисан, лойиқ бўлмасанг, билгинки, сени калака қилишган.***

Ф.ЧЕСТЕРФИЛД

**КЕЛГУСИ СОНДА:**

ЎРТА ЧИРЧИҚДА НИМА ГАП?

ТАСОДИФЛАР ЗАНЖИРИ

БОҒНИНГ "КЎЗ" ЁШЛАРИ

ДАВР

# ФЕРМЕР - ЯРАТУВЧИ

***-Варахшада ишлашнинг ўзига яраша машаққатлари кўп, - дея мулоҳаза юритади Пешку туманидаги "Жўра Нишод" фермер хўжалиги раҳбари Б.Орипов. – Ерларимиз тошлоқ. Тезда чанқаб қолади.***

Бахтиёр ака шундай деганча қурғоқчилик йилларини эсга олади. Арикдагисини қўя туринг, захкашнинг бир томчи сувига зор, елиб-югурганларини, экинларининг ҳолига боқиб, жигари хун бўлган дамларини кўз олдига келтиради.

Аммо фермернинг сабр-бардошига балли. Шундай кунларда ҳам ортга чекинмади. Ишлади. Кураги ерга тегмаган полвондек чўлни ўз измига бўйсундирди. Алалхусус, ризқи бутун бўлди.

-44 гектар пахта майдонимиз бор, - дейди у. – Чопиқ тракторимиз бир эмас, иккита. Ғўза қатор орасига етти мартагача ишлов берамиз. Маҳаллий ўғитни канда қилмаймиз. Ука, ғўзага қанча кўп ишлов берилса, у иссиқликни шунча кўп олади. Устозим машҳур пахтакор Райим Раҳмоновнинг бир гаплари ёдимдан ҳеч кўтарилмайди. "Ғўзани қимирлатиб туриш керак" дерди у киши. Устозимнинг ўгитига амал қилиб, кам бўлганим йўқ.

Фермер хўжалигининг Эргаш Нуров, Акмал Зокиров сингари ғаллакорлари, Шоира Самандарова, Гулчеҳра Саидовадек пахтакорлари, Зариф Йўлдошев, Нозим Олимов каби тракторчилари борлиги туфайли "Жўра Нишод" иқтисодий жиҳатдан бақувват фермер хўжалигига айланиб бормоқда. Бу йил ғалладан чўл шароитида гектарига ўртача 77 центнердан ҳосил олинди. Фермер хўжалиги аъзоларига мукофот тариқасида 30 тонна дон тарқатилди.

Бахтиёр ака учун энг муҳими даромад. Дастурхон тўкинлиги даромадга боғлиқ, ахир. Улар пахтани учинчи навга топширишган йилни эслай олишмайди. Терим бор-йўғи икки бор ўтказилади. Қолганини даласида пахта тугаб қолган ширкат хўжалиги аъзолари келиб териб кетишади.

Бултур фермер янги "Т-4" ҳайдов трактори сотиб олди. Яқинда эса "Матиз"ли бўлди. Навбат энди чамаси ўрим комбайнига. "Дастимиз калталик қилиб турибди, нархи анча баланд-да" деб қўйди Бахтиёр ака суҳбат орасида. Аммо мустақиллик туфайли фермер бўлган, 45 нафар оиланинг бошини қовуштириб ризқ-рўз яратаётган танти деҳқоннинг эртанги кундан кўнгли тўқ. Кўнгил тўқ бўлса орзу-ҳавас ушалиши тайин.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# БИБИ УБАЙДА ВОРИСЛАРИ

(Боши 1-бетда)

1926 йилдан кейин у ҳам Бувайда дейилган. Ҳозир қишлоқ тумандаги иккинчи йирик маскан ҳисобланади. Туманга шу қишлоқ номи асос қилиб олинган. Истиқлолдан кейин қадим-қадимдан халқнинг зиёратгоҳ жойи бўлиб келган маданий, тарихий обидаларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишларига эътибор кучайтирилди. Кейинги икки йилда Пошшопирим зиёратгоҳидаги шоҳ Жарир Пошшопирим мақбараси, Султон Биёз Бостоний, Биби Убайда мақбаралари қадимий услуби ва асл қиёфаси сақланган ҳолда қайта таъмирланди.

Қадим аждодларнинг ворислари бугунги кунда уларнинг анъаналарига содиқ қолиб, эл-юртни янада обод қилишга интилмоқдалар, комил фарзандларни вояга етказиб, эзгу ишларни давом эттираяптилар.

- Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бошқа ҳудудларда бўлгани каби туманимизда ҳам кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берди, - дейди Бувайда тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Машрабжон Зияев, - миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз қайта тикланди. Бу ердан кўп йиллар давомида ажойиб маърифатпарвар кишилар, санъаткорлар, фан намояндалари, ўз касбининг усталари етишиб чиқишган. Ўқитувчи Муҳаммаджон қори, ҳофиз Расулқори Мамадалиев, бастакор Мамадали Отабоев, Эсонали Жўраев, Камолиддин Ҳамроқулов, шоир Қодир Деҳқон, Абдулла Насимий, асқиячи Муҳиддин Дарвешев, пахтакор Олияхон Султонова, фан намояндалари Мақсудали Ҳайдаров, Абдулла Рўзалиев ва бошқа ўнлаб таниқли кишилар Бувайданинг фахри ҳисобланганлар. Бугунги кунда бувайдаликлар уларнинг барча жабҳалардаги ишларини давом эттирмоқдалар.



Истиқлол даврида Президентимиз Фармонларига мувофиқ туманимиздан икки киши "Дўстлик", бир киши "Меҳнат шухрати", уч киши I ва II даражали "Соғлом авлод учун" орденлари, олти киши эса "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Бир сув хўжалиги ходими "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор", бир муаллим "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи", бир ишлаб чиқариш илғори "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими", икки жонкуяр ўқитувчи "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими" фахрий унвонларига сазовор бўлишди.

Тумандаги саксон беш қишлоқда яшаётган 156 мингдан зиёд аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш чоралари кўриляпти. Хонадонларнинг 90 фоизи табиий газ билан таъминланган, уларга тоза ичимлик суви етказиб бериш мақсадида 184 километр узунликдаги қувурлар тортилди.



Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган болалар спортини ривожлантириш ҳақидаги қарорга асосан "Дўстлик" ширкат хўжалиги ҳудудида 150 ўринли ўйингоҳ таъмирланди. Ҳомийларнинг мадади билан 1 миллион сўмдан ортиқ маблағ Деҳқонобод қишлоғида спортни ривожлантиришга сарфланди.

Туманимиз ёшлари кураш, каратэ, кикбоксинг бўйича ўтказилган мусобақаларнинг вилоят ва республика босқичларида фахрли ўринларни эгаллашди. Қишлоқ спортчиларидан боксчи Муслим Шерқўзиев, Зафар Ҳожиев ва бошқалар беллашувларда ғолиб чиқишиб, мухлисларини хушнуд этиб келишаяпти.

Ёшларни иш билан таъминлаш борасида Бувайда қишлоғида тўқув-трикотаж, Янгиқўрғон қишлоғида эса гилам ва бахмал тўқиш фабрикалари фаолият кўрсатмоқда. 11 та мактаб учун қўшимча бинолар барпо этилди. 1-ўрта мактаб Япония элчихонасининг ажратган гранти бўйича жаҳон андозалари бўйича қайта жиҳозланди. Қоратепа қишлоқлик Юсуф Эгамбердиев Буюк Британияда таълим олиб қайтди. Наргиза Иброҳимова умумтаълим мактаблари ўртасида ўтказилган республика олимпиадасида ғолиб бўлди.



Турмуш фаровонлигини таъминлаш кўп жиҳатдан иқтисодиётга боғлиқ. Шунинг учун ҳам туманимиз деҳқонлари пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу йил туман ғаллакорлари 6600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45,4 ўрнига 49,1 центнердан ҳосил олиб, 32802 тонна ғалла етиштиришди. 7460 гектар ердаги пахтадан кўнгилдагидек ҳосил етиштирилди. Улар 30,6 центнердан хирмон кўтариб, 22830 тоннадан зиёд "оқ олтин" топширишга азму қарор қилишган. Амир Темур номли, "Дўстлик", "Бувайда", Алишер Навоий номли, "Янги ҳаёт", "Даштобод" хўжаликлари пахтакорлари Истиқлолнинг мучал ёши нишонланган йилда тармоқдан катта даромад олишга бел боғлашган.

-Истиқлол туфайли асрий қадриятларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз қайта тикланганлиги ҳар биримизни мамнун этади, - дейди "Ўзбекистон" матлубот жамияти раиси Валижон Насимов. - Ҳар куни тонгда, кеч оқшомда 75 ёшли Улихон онамнинг дуосини олишга ошиқаман. Фарзандларимга ҳам кексаларни ҳурмат қилишни тайинлайман. Савдо тармоғимизнинг соф фойдаси ҳисобидан туман шифохонасида "Нуронийлар" хонасини жиҳозлаб бердик. Шунингдек, Бомди кушод, Биби Убайда мақбараларини таъмирлашда, вилоят "Болалар уйи", Бувайда, Анҳор, Бештерак, Оққўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам беришда, 26-мактабни таъмирлашда ҳомийлик кўрсатиб, саховатимизни аямадик.

-Инсон вақти-вақти билан босиб ўтилган йўлга назар ташлайди, - дейди Амир Темур номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Маъруфхўжа Асқаров. – Авлодларни эслайди, уларнинг халққа қилган эзгу ишларини кўз олдига келтиради. Биз - тўрт ўғил, икки қиз Раҳима аям ва дадам Омонхўжа қарамоғида дала ичида улғайдик. Дадам Омонхўжа ҳозирги А.Темур номли ширкат хўжалигига узоқ йиллар етакчилик қилганди. У киши ҳаётдан эрта кетди. Орадан йиллар ўтиб Баҳодирхўжа акам дадамизнинг изини босди, шу хўжаликка раис этиб сайланди. Хўжалигимизда ҳар йили гоҳ ғалла, гоҳ пахта режалари ошириб уддаланиб келинди. Афсуски, шу йил апрел ойида Баҳодир акам оғир касаллик сабабли ҳаётдан кўз юмди. Ундан яхши ном қолди. Қишлоқдошларимиз доимо сахийлигини, ҳар бир ишга жонжаҳди билан киришганлигини эслашади. Одамлар мени раҳматли дадам ва акамлар бошқарган хўжаликка раис этиб сайлашди. Раис хонасига кирсам, уларни эслайман, эзгу ишларини кўз олдимга келтираман. Анъаналарни давом эттиришга интилаяпман. Бу йил хўжалигимиз 50,3 центнердан, жами 1052 тонна ғалла олди. 496 гектар майдондаги пахтадан 33,2 центнердан ҳосил олишга ҳаракат қилмоқдамиз.



- Деҳқон фарзанди бўлганим учун 1968 йили мактабни тугатганимдан сўнг Саодатхон аямга кўмаклашгани чиқиб, далага меҳрим тушиб қолганди, - деб эслайди "Дўстлик" ширкат хўжалиги бош пудратчиси, "Дўстлик" ордени соҳибаси Патилахон Эргашева. - 1969 йили қурилиш бўлимида ишлаётган Шерқўзи ака билан турмуш қурдик. Ўшандан бери хўжаликнинг барча ишларида қатнашиб, қувонч ва ташвишларига шерик бўлиб келаяпмиз.

Бу йил 18,5 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 62 центнердан ҳосил олдик. Пахтадан эса 34 ўрнига 40 центнердан "оқ олтин" саранжомлашга интилаяпмиз.

**Мухтор СУЛАЙМОНОВ,**
**жамоатчи мухбир.**

# ЯНГИ ГУЗАР ОЧИЛДИ

***Истиқлол байрами арафасида Жалолқудуқ туманидаги "Болгария" ширкат хўжалигида яна бир янги гузар очилди.***

Хўжалик бошқаруви ташаббуси билан бунёд этилган гузарда ошхона, нонвойхона ва чойхона иш бошлади. Қишлоқ аҳолисига, шунингдек, узоқ-яқиндан келган меҳмонларга савдо, маданий ва маиший хизмат шохобчалари хизмат кўрсатмоқда.

-"Болгария" хўжалиги жамоаси асосан боғдорчилик ва узумчилик билан шуғулланади, - деди хўжалик раиси Авазбек Норалиев "Туркистон-пресс" мухбирига. – Шу боис хўжалигимизда Россия, Қозоғистон мамлакатларидан катта юк ташувчи транспорт воситаларининг эгалари тез-тез меҳмон бўлиб турישади. Гузарда улар учун меҳмонхона, юк автомобиллари учун эса тўхташ майдони қурилди.

**Андижон вилояти,**
**"Туркистон-пресс".**

# БЕПАРВОНИНГ КЎСАГИНИ ҚУРТ ЕЙДИ

***Оқдарё - Самарқанд вилоятидаги экин майдонлари тўлиқ суғориладиган, ҳосилдорлиги юқори туманлардан бири. Айниқса, лафзи ҳалол пахтакорлари ҳар йили улкан хирмон чошлашади. Эътироф этиш керакки, уларнинг меҳнат ғалабаларида вилоят "Қишлоқхўжаликкимётаъминот" ҳиссадорлик жамияти туман бўлими жамоасининг ҳам муносиб улуши бор.***

Бу йил 8800 гектар майдонда ғўза парвариш қилинмоқда. Серавж далаларни, кўсаги шиғил ниҳолларни кўриб кўз қувонади. Демакки, оқдарёликларнинг бу йилги пахта хирмони ҳам баланд бўлади. Ғўза доимий эътиборни, ҳар бир агротехник тадбирнинг аниқ муддатида бажарилишини қатъий талаб қиладиган экин. Буни билган деҳқон доимо хушёр тортиб, иш юритади. "Ишқилиб зараркунанда ҳашаротлар хуружидан, турли касалликлар хавфидан асрасинда", дейди. Дарёнинг нариги соҳилидаги қўшни туман – Пастдарғом далаларида бу офат деҳқонларни шошириб қўйди.

-Ҳадикка ўрин йўқ, - дейди ишонч билан ҳиссадорлик жамияти туман бўлими мудири Фурқат Бобоёров. – Не-не азоблар билан парваришланаётган ниҳолларни офатлардан асраш учун барча имкониятларга эгамиз. Тажрибали, мутахассис агрономларимиздан иборат дала назоратчиларимиз доимий ҳаракатда. Баҳром Давронов, Эргаш Рустамов, Қандолат Шакарова сингари кўп йиллик тажрибага эга ходимларимиз туман банитетини беш қўлдек билишади. Қайси майдон қандай касалликларга мойил, қайси далага қандай ҳашарот қачон тушиши мумкинлигини аввалдан билишади, офатнинг олдини олиш чораларини вақтида кўришади.

МАВСУМ

"Янгиобод", "Гулистон", "Янгиқўрғон", Улуғбек номли бир қатор хўжаликларда апрел ойида шира, трипс каби ҳашаротларнинг пайдо бўлиш хавфи туғилди. 2336 гектар майдонда ғўза зараркунандаларига қарши ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида офат тўлиқ бартараф этилди.

Кўсак қурти – ғўзанинг кушандаси, ҳосил душмани. Унинг пайдо бўлиш аломатлари сезилгандаёқ чораси кўрилмаса, қуртга айланиб кўсакнинг ичига кириб олгач кеч бўлади. Бугунги кунда ҳашаротларга қарши курашда экологик зарарсиз биоусулдан кенг фойдаланилмоқда. Биоусул ожизлик қила бошлаган пайтлардагина кимёвий усулларни қўллаяпмиз. Бу борада қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашиш идораси билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз.

Дарҳақиқат, Фурқат Бобоёров айтганидек, деҳқон меҳнатини ҳимоя қилишда биргаликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқ. Очиғи, оқдарёликлар жорий йилда ҳам табиий офатлар туфайли кўпгина майдонларни бузиб, қайта экдилар. Бунинг устига баҳор серёғин, ёз салқинроқ келди. Оқибатда ғўза ривожи кечикди, табақаланиш вужудга келди. Мана шундай вазиятда кўсак қурти, ўргимчакканa, шира, трипс сингари ҳашаротлар хуружининг олди олинмаса нима бўлишини тасаввур қилиб кўраверинг. Деҳқоннинг шунча қилган меҳнати ҳавога учиши турган гап. Туманда бу борада зарур чора-тадбилар кўрилган.

Хуллас, зараркунандалардан ҳимоя қилинган далалардагина мўл, сифатли тола етиштириш мумкин. Буни кўп йиллик тажрибага эга уста пахтакорлар яхши билишади. Сифатли тола нақд бойлик, жаҳон бозорида соф олтинга айланадиган бойлик. Уни ҳашаротга, кўсак қуртига ковшатиб қўядиганлар эса Оқдарёда йўқ. Ким бепарво бўлса, ўшанинг кўсагини қурт ейди.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## САУДИЯ ВАЛИАҲДИ – МОСКВАДА

***Саудия Арабистони валиаҳди – шаҳзода Абдуллоҳ ибн Абдулаъзиз ал-Сауд Россия Федерациясига ташриф буюрди. Айтиш жоизки, сўнгги 75 йил давомида Саудия расмийларидан ҳеч бири бу давлатга келмаганди.***



Кремлда давлат маъмурлари иштирокида кечган олий даражадаги учрашувларда тўртта муҳим ҳужжат имзоланди. Улардан бири бевосита нефть ва газ соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига тааллуқлидир.

Шаҳзода Абдуллоҳни "Внуково-2" аэропортида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Владимир Яковлев кутиб олди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Кремлдаги музокаралардан сўнг, Россия Президенти Владимир Путин "Зелёная" меҳмонхонасида шаҳзодани қабул қилди. Президент Абдуллоҳ билан мулоқот чоғида Россия-Саудия алоқаларининг илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалишини қайд этди.

Россиянинг Ислом Конференцияси Ташкилотига аъзо бўлиш масаласи суҳбатнинг асосий мавзусини ташкил этди.

## МУЗ ОСТИДАГИ МАШИНАЛАР

***НТВ телекомпаниясининг хабар қилишича, Жанубий Осетиянинг Калка музлиги яқинидан ўтган йили сентябр ойида йўқолган "Жигули" енгил автомашинаси ва қурилиш грейдери топилди. Ҳар иккала машина корпуси пачақланиб кетган, уларнинг салонидан ҳеч қанақа одам қолдиқлари топилмаган.***



Мазкур топилдиқлар тасодифан Кармаден дараси яқинида қурилиш ишлари олиб борилаётган маҳалда топиб олинган. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги мутахассислари фикрича, жуда катта муз кўчиши оқибатида машиналар кўчки остида қолиб кетган бўлиши мумкин.

Эслатиб ўтамиз, фожеа 2002 йил 20 сентябрда содир бўлганди. Расмий маълумотларга кўра, 19 киши нобуд бўлган. Шунингдек, 106 киши бедарак йўқолган. Улар орасида машҳур актёр ва режиссёр кичик Сергей Бодров ҳам бор эди.

## КИМ ИР ЧЕН ЭНГ ОЛИЙ ПОҒОНАДА

***КХДР давлат раҳбари Ким Ир Чен чоршанба куни Шимолий Корея Олий халқ ассамблеясининг навбатдаги сессиясида Миллий мудофаа комиссияси раислиги лавозимига қайтадан сайланди.***



Маълумки, мазкур комиссия раислиги мамлакатдаги энг олий лавозим ҳисобланади. Ким Ир Чен ўн йил мобайнида муттасил ушбу вазифани бажариб келмоқда. КХДР Олий халқ ассамблеяси депутатлари Ким Ир Чен номзодини бир овоздан ёқлаб овоз беришди, дея хабар қилади Шимолий Корея телевидениеси.

## ОҚ УЙНИНГ ЭШИГИ "ОЧИЛМОҚДА"

***АҚШ президенти девони Оқ уй бўйлаб экскурсия дастурини бир қадар кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилди. Президентнинг матбуот котиби Скотт Макклелланнинг айтишига кўра, сентябрнинг ўрталарида махсус сайёҳ гуруҳлари учун Оқ уйнинг эшиги очиқ бўлади.***



-Ҳозирча Оқ уйни фақат ҳарбийлар, фахрийлар ва мактаб ўқувчиларидан иборат сайёҳлик гуруҳлари зиёрат қилишмоқда, - деди Макклеллан. - 15 сентябрдан бошлаб хавфсизлиги кафолатланган ва ўз турар жойидан ижобий тавсифнома берилган ҳар қандай сайёҳ Оқ уй ичига кириш шарафига муяссар бўлади.

Аслида, Оқ уйга саёҳат борасидаги чекловлар АҚШ Ироққа уруш бошлашидан салгина илгари жорий этилган, ёш болалар, қариялар ва ҳарбийлардан бошқа кишиларнинг Оқ уйни зиёрат қилиши таъқиқлаб қўйилганди.

## АНТИҚА АВТОМОБИЛ

***Япониянинг "Toyota" концерни душанба куни ҳайдовчи ёрдамисиз тўхтай оладиган янги автомобил маркасини тақдим этди.***



"Toyota Pruis" деб номланадиган мазкур автомобиль электрон бошқарув тизимига эга. Махсус электромотор, сигналли сенсор, автомобилнинг мустақил ҳаракатланиши, бурилиши ва тўхташини таъминлайди.

Душанба куни мазкур мўъжизакор янги моделнинг тақдимот маросимида концерн раҳбарининг шахсан ўзи иштирок этди. "Reuters" ахборот агентлигининг маълумотларига кўра, раҳбар минглаб иштирокчиларнинг кўз ўнгида ҳайдовчи ўриндиғида ўтириб икки қўлини тепага кўтарганча, ҳайдовчи ёрдамисиз қандай ҳаракатланиши ва тўхташини кўрсатиб берди.

## БАҒДОД ПОЛИЦИЯСИГА ҲУЖУМ

***Бағдоднинг янги полициясига қарши террорчилар томонидан тез-тез ҳужумлар уюштирилмоқда. Террорчи тўдалар бу каби хатти-ҳаракатлар орқали америкаликлар билан тил топишган ироқликларни таҳликага солиш ҳамда мамлакатдаги вазиятни беқарорликда тутиб туришни режалаштиришган.***



Бу гал террорчилар Бағдод полициясининг маъмурий биносини мўлжалга олишди. Кундуз куни бино ёнида миналаштирилган машина портлаб кетди. Таъсир кучи у қадар баланд бўлмагани боис, ҳеч ким нобуд бўлмади. 14 киши жароҳатланди.

Мазкур бинонинг ёнгинасида Америка ҳарбий базаси жойлашган, бу ерда ҳарбийлар қатъий назорат ўрнатишган. Шу боис террорчилар миналаштирилган машинани бу ерга қандай ташлаб кетишгани жумбоқ бўлиб қолаётир.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

КУНГАБОҚАР УРУҒИ СОТИЛАДИ



"Ёғмойтамакисаноат" уюшмасининг "МТ Инвест-Импэкс" фирмасида сотиш учун Ўзбекистон шароитига мослаштирилган 30 тонна Молдова Республикасидан келтирилган Дурагай (Гибрид) кунгабоқар уруғлари мавжуд. Тўлови пул кўчириш йўли билан амалга оширилади. Етиштирилган ҳосилни ёғ заводлари шартнома асосида қабул қилади.

Мурожаат учун телефонлар:
152-52-84; 152-61-96; 55-39-16.

2003 ЙИЛ 5 АВГУСТДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган мактаб ёзув қуроллари ва кийим-кечакларни сотувчи бозорлар, ярмаркалар ва бўлимларнинг жойланиши



| № Ташкилотлар номи | Ярмаркалар сони | Турғун савдо дўконларидаги бўлимлар сони |
|---|---|---|
| "Савдо" ҳудудий акциядорлик компаниялари | | |
| 1. Қорақалпоқсауда | 6 | 7 |
| 2. Андижонсавдо | 8 | 10 |
| 3. Бухоросавдо | 7 | 10 |
| 4. Жиззахсавдо | 4 | 8 |
| 5. Қашқадарёсавдо | 7 | 10 |
| 6. Наманғансавдо | 6 | 9 |
| 7. Навоийсавдо | 3 | 4 |
| 8. Самарқандсавдо | 9 | 15 |
| 9. Сирдарёсавдо | 4 | 8 |
| 10. Термизвилоятсавдо | 4 | 8 |
| 11. Тошкентвилоятсавдо | 8 | 15 |
| 12. Фарғонасавдо | 8 | 15 |
| 13. Хоразмсавдо | 5 | 7 |
| 14. Тошкент шаҳар ҳокимияти савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти | 11 | 24 |
| ЖАМИ: | 90 | 150 |

Ушбу мактаб бозорларида ўқув-ёзув қуроллардан - ўқувчилар дафтари, умумий дафтарлар, кундаликлар, расм дафтари, оддий ва рангли қаламлар, акварель бўёқлар, портфеллар мавжуд.
Мурожаат учун телефонлар: 139-13-15, 139-10-93

ЯРМАРКАЛАРГА МАРҲАМАТ!

"ЎЗБЕКСАВДО"
АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

Деҳқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!

ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ?
МАРҲАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қулай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти.









Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30.
Тел: (99871) 169-35-46, 169-49-33. Факс: 169-49-44.

В связи с продажей магазина по ул.Туйтепа, дом 1, уставной фонд ЧФ **"NASHIDA"** уменьшается на 1.656.385 сўм. Остаточная сумма уставного фонда составляет 195.682.000 сум. Претензии принимаются в течении двух месяцев с момента опубликования объявления.

Тошкент шаҳар Юнусобод туман ИИБ томонидан якка тартибдаги тадбиркор ISMOILOV IZZAT IBROHIMOVICH номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

# ФЕРУЗА — ИСТИҚЛОЛ ТЕНГДОШИ

ФАХР

***Ферузани дўст-дугоналари, ота-онаси, устозлари ҳар йили Мустақиллик куни қўшалоқ байрам билан табриклашади. Боиси, Феруза ўша тарихий 1991 йилнинг 1 сентябрида туғилган. Истиқлолимиз тенгдоши.***

Ҳозирда у Поп туманидаги 1-ўрта мактабнинг 6 "з"-синфида "яхши" ва "аъло" баҳоларга ўқияпти.

-Келгусида ким бўлмоқчисан? – сўраймиз бу ёқимтой қизалоқдан.

-Шифокор бўлиб, беморлар дардига дармон бўлмоқчиман, - дейди Феруза дона-дона қилиб.

-Қаерда ўқимоқчисан?

-Американинг энг катта университетида ўқиб, зўр шифокор бўламан! – дейди яна у.

Болалик давримизга хаёл кетади. Биз бу ширин қизнинг ёшида қандоқ эдигу қандоқ фикрлардик. Нималарни, ким бўлишни орзу қилардик?

Жажжигина, мурғак қалбимизда орзу умидларнинг ўзи куртак ёзиб улгурганмиди? Йўқ, албатта.

Бугун олтинчи синфга кўчган Ферузанинг орзулари пишиб етилган. У шифокор бўлмоқчи. Бунинг устига Андижон ёки Тошкентда эмас, Америкада ўқимоқчи. У - Истиқлол фарзанди. Эртанинг одами. Мамлакат келажаги. Муҳтарам Президентимиз "фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт", деганларида худди ана шу Ферузага ўхшаган фарзандларни, порлоқ келажагимизнинг ёрқин юлдузларини назарда тутганликлари аниқ.

Феруза ва у каби Истиқлол йилларида туғилган болалар том маънода бахтлидирлар. Қўлларини қаёққа узатишса етади. Нимани орзу мақсад қилишмасин, албатта, умид орзуларига эришадилар. Боиси ҳур, озод Ватанимиз бор, болалари учун жонини беришга тайёр мард, танти ота-оналар бор. Феруза ўз иқтидори, тиришқоқлиги билан тенгдошлари орасида ажралиб туради. Инглиз тилида бемалол гаплаша олади. Спорт тўгарагига мунтазам қатнайди. Теннисда унча-мунча тенгдоши унга тенг келолмайди.

-Бўш пайтларинг бўладими? Умуман, ёзги таътил қандай ўтяпти ? – яна саволга тутамиз Ферузани.

-Бундай пайтларда онажонимга қарашаман, уй супураман, гулларга қарайман. Кейин "Ёшлар телеканали" "Янги авлод студияси"нинг "Оқ кабутар" кўрсатувини томоша қиламан. Китоб ўқийман.

-Демак, кутубхонага аъзо экансан-да.

-Йўқ, уйимизда кў-ў-ў-п китоблар бор, - дейди Феруза, - уларни ўқиб бўлиб, кейин... кутубхонага аъзо бўлмоқчиман.

-Қайси фанни кўпроқ яхши кўрасан?

-Адабиётни! – дейди қизалоқ кейин устозларидан гап очади: "Галина Бўрановна, Хайрихон Раҳимовна, Нилуфар Эргашевна, Солижон Юнусович каби устозларимни жуда яхши кўраман" дейди.

...Улуғ Истиқлолимиз 12 ёшга тўляпти. Бизнинг Феруза ҳам. Феруза ва унинг дўст-дугоналари албатта орзу-ниятларига етади. Мамлакатимизнинг буюк келажагини ана шу болалар қуради. Боиси... Тенгдошлар бир-бирларини яхши тушунадилар.

-Умринг узоқ, ризқинг баланд бўлсин, қизалоқ!

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЭЗГУЛИКНИ КУЙЛАБ ЎТГАНДИ...

СОҒИНЧ

***Ернинг қуёш атрофида айланишини заррача сезмаганимиз каби, вақтнинг ҳам шитоб ўтиб бораётганини кўпинча билмай қоламиз, ниманидир эслайдиган бўлсак "Э-э, орадан шунча вақт ўтиб кетибди" дея афсусланиб қўямиз.***

Эгам Раҳим куни кеча қайноқ сафимизда эди. Унинг бақо оламига рихлат қилганидан буён ҳам 26 йил ўтибди. Йигирма олти йил. Бир йигитнинг навқирон ёши, забардаст умри.



Эгам Раҳим орамиздан кетганида 59 ёшга ҳам тўлмаган эди. Умр, турмуш ташвишлари, алам ва шодлик, хаёт икир-чикирлари шитоб ўтаётган вақт олдида кўз очиб-юмгунчалик лаҳза экан.

Бугун Эгам Раҳим барҳаёт бўлганида 85 ёшни қаршилаган бўларди. У чорак асрдан буён ўзининг иккинчи – абадийликка дахлдор умрини яшамоқда. Бундай умр кечириш эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Эгам Раҳим ҳалол хизматлари боис шараф ва эҳтиромга мушарраф бўлган инсон эди. Бугун Урганч шаҳрида ўзи яшаган кўча, Урганч туманидаги битта мактаб, битта маҳалла Эгам Раҳим номи билан аталаётгани ҳам бежиз эмас.

У ўз даврининг иқтидорли куйчиси, ўз созига, ижод услубига эга, қуёшли воҳани заршунос қаламида улуғлаган, авж пардаларда тараннум этган жўшқин шоир эди. Бугина эмас, "Хоразм ҳақиқати" газетасига 1956 йилдан то умрининг охиригача муҳаррирлик қилди.

Бўлажак журналистдаги иқтидор, интилиш уни "Хоразм ҳақиқати" газетасига етаклади. Қайноқ ижод муҳит уни шоир ва адиб сифатида шакллантирди, ўз даврининг пешқадам ижодкорларидан бирига айлантирди. У воҳани йилда бир неча бор кезиб, ўзининг долзарб очерклари, мақолалари, лавҳаларида она-диёрни, унинг фидойи, меҳнаткаш фарзандларини сидқидилдан улуғлади. Газетанинг бош муҳаррири лавозимига кўтарилгунга қадар кечган ўн уч йиллик фаолияти унинг қаламини чархлади. У вилоятдагина эмас, ҳатто республикада ҳам таниқли журналист бўлиб танилди.

"Хоразм ҳақиқати"да Иккинчи жаҳон уруши йилларида Эгам Раҳимнинг фашизмни қоралаган 30 дан ортиқ шеъри эълон қилинди. Урушдан кейинги даврда халқимизнинг яратувчилик курашларини, машаққатли меҳнатини очерклари ва мақолаларида тараннум этди. Шоир асарларининг бош қаҳрамони меҳнатсевар, бунёдкор халқимиз бўлди. Меҳнат аҳлининг бой руҳияти, ички дунёси, яратувчанлик фазилатлари тўлақонли, айни пайтда дабдабасиз, содда, ҳаққоний тасвирлар билан ҳам ўқувчилари қалбидан жой оларди.

Эгам Раҳим бадиий асарларини китоб ҳолида нашр эттиришга шошилгани йўқ. Натижада унинг биринчи шеърлар тўплами 1951 йилдагина "Бахт йўли" номи билан чоп этилди. Бу тўпламдан шоирнинг "Бахт йўли" достони ҳам ўрин олган бўлиб, у Хоразм воҳасида қурилган Чоржўй – Қўнғирот темир йўлини бунёд этишда халқимиз кўрсатган жасорат, унинг тарихий аҳамиятига бағишланган эди. Достон адабий жамоатчилик томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Эгам Раҳим она-Ватан, дўстлик ва қардошлик, бунёдкорликни асарларида шарафлади. Унинг ўнлаб оташин шеърлари, лирик асарлари шоир бадиий ижодининг сара намуналаридир.

**Эркин МАДРАҲИМОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби.**

# ҚАДИМИЙ БИТИКЛАР

**(Боши 1-бетда)**

Дарвоқе, Имом Бухорийнинг устозлари ал-Муснадий хоки пойи ҳам худди шу ердадир.

Умуман олганда, Бухородаги ҳар бир меъморий обиданинг ўзига хос тарихи бор. Айтайлик, Мираараб мадрасаси. Бу қадимий бинода араб ёзувида битилган "Мадрасаи олий Мирараб" деган битикни учратамиз. Ажойиб хаттот ва шоир Мавлоно Мирали Фатхободий томонидан ёзилган бу ёзув мадраса барпо бўлган ҳижрий 942 йилни англатади.

-Мавлоно Мирали Фатхободий асли ҳиротлик бўлганлар, - дейди Ғафуржон Раззоқов. – Хаттотликда тенгсиз бўлгани боис Бухоро ҳукмдори Убайдуллахон уни саройдан нари жилишга қўймаган. Мавлоно шоир эмасми, ўз дарду ҳолини қуйидаги байтда ифода этган:

**Банда пир шавад шода шукунат,**
**Хаташ бадминанду озодаш кунанд.**

Хаттот ва шоирнинг "Банда қариганда хурсанд бўлсин, кексайиб ҳусни хати ёмонлашгач, шояд уни озод қилишса" деган мазмундаги бу шеърий мисраси унинг бошқа битиклари каби алоҳида қимматга эга, албатта. Дарвоқе, Мираараб мадрасасида, шунингдек бадиий ва мазмунан пишиқ яна бир байт битилган:

**Дар ин мақоми фарх бахш ҳар ки**
**манзил кард,**
**Муроди хеш азин ошиёна**
**ҳосил кард.**

Мазмуни: Кимки, бу фарахбахш (хурсандчилик келтирадиган) илм масканида манзил қилса (яъни, ўқиса), муроди мақсадига албатта етади.

Шуниси ачинарлики, ёдгорликлардаги баъзи битиклар қаровсиз, лоқайдлик оқибатида сақланиб қолинмаган. Пойиостона мадрасасидаги ана шундай қадимий битиклардан бири яқинда қайта тикланди.

-Бу табаррук обидалардаги ёзув кекса ҳамшаҳарларимиздан бирининг ёдида сақланиб қолган экан, - дея эслайди F.Раззоқов. – Биз шуни жамоатчиликка етказдик. Битик қуйидагичадур:

**Масжиди Пойиостона**
**Аз Ҳазрати Нақшбанд нишона,**
**Ҳар ки дар ин масжид бихонанд**
**Бешак шавад олими замона.**

Кўринадики, қадимий обидалардаги ёзувлар нафақат хаттотлик санъати намунаси, балки теран маъноли, чуқур мазмунли битиклар сифатида ҳам алоҳида қимматга эга.

**Истам ИБРОҲИМОВ**

# "ТАФАККУР"

ЎҚИДИНГИЗМИ?

***Яқинда "Тафаккур" ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий журналининг янги сони нашрдан чиқди.***

Журнални варақларкансиз, унинг илк саҳифасида "Тафаккур" журналининг Бош муҳаррири Эркин Аъзамнинг "Жаннат қидириб..." сарлавҳали публицистик мақоласи билан танишишингиз мумкин. Шунингдек, журналнинг мазкур сонидан филология фанлари номзоди Султонмурод Олимнинг "Уч буюк мезон: Қонун, Мафкура ва Маънавият диалектикаси" илмий-таҳлилий мақоласи, ҳинд халқининг атоқли намояндаларидан бири Жавоҳарлаъл Неруннинг қизи Индирага ёзган мактубларидан ташкил топган "Жаҳон тарихига бир назар" илмий-таҳлилий мақолалари тўплами, "Руҳият сабоқлари" рукни остида мутасаввиф аллома Жалолиддин Румий ва рус ёзувчиси Лев Толстой фалсафасидаги руҳий муштараклик акс этган "Тафаккур водийсидаги учрашув" рисоласи ҳам ўрин олган. Ва албатта, Исмоил Шомуродовнинг "Арасту хато қилганми?" мақоласи ҳамда "Талқин ва тадқиқотлар" рукни остида берилган бир қатор ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий, илмий-маданий мақолалар ҳам журнал муштарийларини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.




**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ**

# SPORT OLAMIDA

## МИРЖАЛОЛ ВЛАДИКАВКАЗДА

***Ўзбек футболининг ёрқин юлдузи "Пахтакор" жамоасининг моҳир ярим ҳимоячиси, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Миржалол Қосимов айни кунларда Владикавказда.***



Гап шундаки, жорий йилги мавсумнинг иккинчи даврасида "Спартак-Алания" таркибида тўп суришни ният қилган ўзбекистонлик футболчи клуб раҳбарлари билан шартнома тузишга муваффақ бўлган. Ҳатто Қосимов Россия биринчилигининг "Спартак-Алания" – "Черноморец" жамоалари учрашувида майдонга тушиб, жамоадошининг рақиблар дарвозасига йўллаган голига ассисентлик қилган.

## РЕЙТИНГ НАТИЖАЛАРИ

***ФИФА ўтказган рейтинг натижаларига кўра мамлакатимизнинг етакчи жамоаси "Пахтакор" жаҳон клублари орасида эгаллаб турган 56-ўриндан 46-ўринга кўтарилган.***

МДҲ кубоги ҳамда Осиё чемпионлар лигасидаги муваффақиятли иштироки учун ана шундай натижага эришган "Пахтакор" МДҲ клублари орасида ҳозирча биринчи ўринни эгаллаб турибди. Қизиғи шундаки, Киевнинг "Динамо" жамоаси ҳам рейтинг натижаларига кўра "Пахтакор"дан бир неча поғона қуйида жойлашган. Севимли жамоамиз бу ишончни оқлаб, янада чиройли ўйинлар намойиш этса бўлгани.

## ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТ...

***Сирдарё вилоят прокуратураси вилоят вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ҳамкорлигида Гулистон шаҳрида спорт тадбири уюштирди.***

200 нафар вояга етмаган болалар ўртасида ташкиллаштирилган футбол, теннис, волейбол, кураш мусобақалари Мустақилликнинг 12 йиллиги ҳамда "Обод маҳалла йили"га бағишланди. Мусобақа совриндорлари мутасаддиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

## ШЕВЧЕНКО МАВСУМНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БОШЛАДИ

***Душанба куни Италия "А" сериясида биринчи турнинг қолдирилган учрашуви бўлиб ўтди. Европа чемпионлари кубоги ҳамда Европа супер кубоги соҳиби Миланнинг "Милан" жамоаси "А" лиганинг янги жамоаси ҳисобланмиш "Анкона"га қарши меҳмонда тўп сурган бўлишига қарамасдан ажойиб ғалабани қўлга киритди.***



Гарчанд ўйин у қадар қизиқарли кечмаган бўлса-да, 1-турнинг энг кўп томошабин тўпланган ўйинига айланди. Биринчи бўлимнинг 30-дақиқасида украиналик легионер Андрей Шевченко томонидан тепилган жарима тўпи меҳмонларни олдинга олиб чиқди. Мезбонларнинг кетма-кет уюштираётган ҳужумларига жавобан қарши ҳужум тактикасида ўйнаган миланликлар 90 дақиқанинг атиги 30 фоизида тўпни ўзларида ушлаб тура олдилар, холос. Иккинчи бўлимнинг бошларида уюштирилган қарши ҳужумда мезбонлар ҳимоячиси томонидан тўхтатиб қолинган "Милан" жамоаси сардори Паоло Мальдини мезбонларнинг бразилиялик легионери Фабио Билисойга нисбатан қилган қўполлиги учун майдондан четлаштирилди. Бразилиялик футболчи ҳам ҳакамнинг ана шундай "марҳамати"га мушарраф бўлди. Жамоалар ўйиннинг қолган қисмини ўнтадан бўлиб давом эттиришига тўғри келди. 76-дақиқада миланликларнинг украиналик форварди Андрей Шевченко "Анкона" дарвозабонини яна бир марта доғда қолдириб, жамоасининг 0:2 ҳисобдаги муваффақиятини таъминлади.

## US OPEN РОССИЯ УЧУН ЭМАС

***Теннис бўйича Америка очиқ чемпионати об-ҳавонинг ноқулай келиши туфайли бироз чўзиладиган кўринади. Кеча ўтказилиши лозим бўлган эркаклар баҳси номаълум кунга қолдирилган бўлса, аёллар ўртасида кечиши кутилаётган баҳсларнинг ҳам атиги иккитаси бўлиб ўтди.***

Иккала матчда ҳам россиялик теннисчи қизлар рақибаларига имкониятни бой беришди. Елена Дементьева турнирнинг олтинчи ракеткачиси, деб саналаётган Женнифер Каприатига 2:6, 5:7 ҳисобида имкониятни бой берган бўлса, Динара Сафина бельгиялик Жюстин Энен-Арденн билан кечган учрашувда тамомила "синдириб ташланди" – 0:6, 3:6. Биргина Анастасия Мыскинанинг Мари Пирс билан ўтказаётган ўйини ҳозирча россияликларга омад келтириб турибди. Ҳисоб биринчи сетда 4:2. Бу ўйин тўсатдан бошланиб қолган қаттиқ ёмғир туфайли номаълум вақтга қадар қолдирилди.



**Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси кадрлар ва ўқув юртлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Шакарбой Жониқуловга волидаи муҳтарамаси

**Суймахон ая ҚОСИМОВА**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Газетанинг навбатдаги сони 9-сентябр, сешанба куни чиқади.**

## БИЛАСИЗМИ?

### ЗИРА

***Халқ табобатида зира уруғининг қайнатмасидан камқонликда, дизентерия, сурункали жигар касалликларида фойдаланилади. Қора зира она сути камлигида ва қабзиятда истеъмол қилинади.***

Абу Али ибн Сино қора зиранинг мевасини юрак безовталанишини тўхтатувчи, ҳиқичоқ қолдирувчи, ел ва гижжа ҳайдовчи, овқатни ҳазм бўлишига ёрдам берувчи, терлатувчи омил сифатида тавсия этган.

Халқ табобатида қора зира қайнатмаси бачадон касалликларини даволашда қўлланилади, шунингдек, у кўз қувватини ошириш хусусиятига ҳам эга.

Илмий тиббиётда ҳам зирадан фойдаланилади. Зира меваси одамнинг меъда-ичак системаси фаолиятини яхшилаш билан бирга безлар секрециясининг фаолиятини уйғунлаштиради.

### МОШ

***Мош озиқ-овқат маҳсулоти сифатида қадим замонлардан бери Осиёнинг Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Хитой каби мамлакатларида, Ўрта Осиё, Узоқ Шарқ ва Кавказда етиштирилади.***

Мош ясмиқ донига нисбатан латиф, хушхўр таъмли, жуда тўйимли, покиза қон таркиб топишга ёрдам беради, бироқ қийинроқ ҳазм бўлади. Мош ҳарорати юқори бўлган иқлимда, баҳор ва ёз фаслларида фойдалидир.

Мош асабларни мустаҳкамлайди, кўзнинг кўриш қувватини оширади, бош оғриқларига фойда беради, буйрак касалликларига даводир. У совуқ мижозли кишиларга салбий таъсир кўрсатади. Улар мошли таомларни зира, қизил ва қора мурч, қалампир, долчин, занжабил каби зираворлар билан тановул этишлари лозим.

Мошли таомлар организмни мустаҳкамлайди, юқумли хасталикларга нисбатан бардошлилигини оширади. Илмий тиббиётда баъзи парҳез таомлар таркибига киритилган. Юртимизда мошнинг "Победа-104", "ВИР-628", "ВИР-4730" навлари етиштирилади.

**Хонбиби МАҲАМОВА тайёрлади.**

# ҚАРЗ

**(Боши 1-бетда)**

У негадир остонага яқин бориб ўтирди-да:

-Бўлди-и! – деди тўрсиллаб.

Эркак остона томонга қия қараб қўйди. Пиёлани бошига кўтарганича, чойни ҳўриллатиб, ҳузур қилиб ичдида:

-Бўлган бўлса, чиқариб қўй – кетаверсин... – деди.

Аёл ёрилди:

-Бепул гўрга борадими? Пул беринг...

Эркак ёнбошидан туриб ўтирди. Негадир бошидаги дўпписини қўлига олиб, кафтига уриб-уриб қоқди, уёқ-буёғни айлантириб, қизиқ нарсани кўраётгандай томоша қилди. Сўнгра:

-Э, пул ҳам кераг-а! – дея минғирлади, билиб турган нарсасини билмасликка олаётганидан хижолат ҳам чеккандек бўлди.

-А, пул керак бўлмаса, бола бечора ўқишига қандай етиб олади? – шақиллади аёл лабилабига тегмай. – Йўл кирасига беринг, жилла қурса, етиб олсин – бир кунини қилиб келар...

-Йў-ўл кира-а... – эркак ҳаётида биринчи марта эшитиб, бегона тилдан илиб олган иборани хатм қилаётгандек чўзиб талаффуз қилди, худди бунинг мағзини чақмоқчи киши бўлиб дўпписи остидан тақир бошини пича қашиб турди ва муаммонинг ечимини топгандай, дабдурустдан: - Ўзи-и йўл кира қанча бўлган экан, Жабборқул? – деб сўради.

-Тўққиз юз сўм, - бошини кўтармай жавоб берди Жабборқул, унинг ҳолатидан қандай бўлмасин, ғалвағишавасиз, хотиржамлик билан бу уйдан чиқиб кетиш истаги билиниб турарди.

-Анавуни қара-я! – эркак ўз саволига бунчалик аниқ жавоб олганидан ҳатто суюнгандай бўлди. – Анча қиммат бўлиб кетипти-да, бу автобуслар ҳам.

Жабборқул индамади.

-Сизга ўқиш осонми, йўл кирасига чидаган боласини ўқитади-да, - аёл беихтиёр остона томон яна сурилди; ҳозир тили қанчалик ботирланмасин, хушёрликни ҳам қўлдан бермаётгандй, шопиёлага хавфсираб-хавфсираб қараб қўярди.

Эркак аёлнинг гапига эътибор бермади. Ноёб бир нарсани топиб олгандек такрорлади:

-Тўққиз юз сўм, де.

-Тўққиз юз сўм, - беихтиёр бошини кўтариб, отасига ажабланганидек қараб қўйди Жабборқул.

-Майли, тўққиз юз сўм бўлса, тўққиз юз сўм-да, - деди эркак хотамтойлик билан бу пулни ҳозироқ чўнтагидан чиқариб берадигандек.

Аёл, пули бор экан-да, деб ўйлаб, дарҳол паст тушди, қандай бўлмасин, уни эритишга чоғланди, мулойимлик билан тушунтира кетди:

-Ҳо-ой, отаси, ёнига озгина қўшсангиз ҳам майли. Ўқиб, катта одам бўлиб кетса, Жабборқулингиз бу пулларни минг ҳисса қилиб қайтаради. Майли, борини бериб тураверайлик. Гўшт емасак, чой ичмасак, кунимиз ўтмайдими – ўтади; мана, икки ойдан буён гўштнинг қорасиниям кўрмадим, унинг нималигиям эсимдан чиқиб кетди, одамларнинг "гўшт, гўшт" деб чирқиллашларига ҳайрон қоламан. Чойнинг ўрнига токнинг баргини қуритиб солсаям бўлавераркан. Холниса айтадики, олманинг пўчоғини солиб ичсаям чойдай бўларкан, дейди. Фақат, ўрганмаганим учунми, кўнглимни беҳузур қилди, қайт қилиб юборай дедим, дейди; ичимда ҳеч вақо бўлмагани учун қайт қилолмадим, дейди. Рост-да, ичида бир нарса бўлсаки, уни қайт қилса. Бўла қолинг, берарингизни беринг, йўлдан қолмасин, пича қўшиб берсангиз, Жабборқулингиз ўртоқларидан қисиниб-қимтиниб юрмайди, марожни-парожни олиб ейди.

-Тентак! – оғзидан чиқиб кетди эрининг.

-Ўзингиз пеш бўлдингизми? – аёл дарҳол авжланиб, мен нима бўлсам, сен ҳам шу-да, дегандай қилди.

-Марожни томоқни оғритади, - эркак аёлнинг тентаклигини боисини тушунтирмоқчи бўлиб эди, ўзи ҳам негадир ютиниб қўйди.

-Шуни тўғриликча айтинг-қўйинг эди-да!

-Сан тўғриликча гапга тушунмайсан.

-Ҳамма нарсага сиз тушунасиз.

Эркак аянчли илжайди:

-Тушунсанг, ана-а, ўғлингга йўл кира топиб бер!

-Топиб берсам, топиб беравераман.

-Беролмайсан.

-Бероламан.

Эркак чойнакда қолган чойни пиёлага ағдарди-да:

-Бе-ер! – деди.

Аёл этагини қоқиб, ўрнидан турди. Оёқ яланглигича остонадан ташқарига ҳатлади. Ҳовлидан шанғиллаган овози келиб турди:

-Ота эмиш-а!.. Киссасида турган пулни қизғаниб, ўз ўғлига бермай ўтирипти. Ўқишига етиб олсин, ўқиб-ўқиб эртага катта одам бўлганида бир кунимга ярар ҳам демайдими; майли, демаса демасин, ман ўзим топиб бераман, қарз олиб бераман, билиб қўйсин, қарз-ҳавола қилиб бўлсаям ўғлимни ўқитаман, ўқитмай қўймайман...

Ота ҳамон тик турган ўғлига хижолатомуз қаради-да, боши билан ташқарига имлаб:

-Тилини қара, тилини, - деди. Кейин бу тил дастидан кўп изтироб чекканини англатмоқчи бўлгандай елкалари шалвираб тушди, бош чайқаб, хўрсинди.

-Қанча айтаман, ҳо-ой, тилингни тий, бўлар-бўлмас гапларни вайсайверма, энди Жабборқул ҳам катта ўқишларда ўқияпти, эшитган одам уят қилади, дейман; йўқ, қулоқ солмайди, қулоқ солгиси келмайди, - сўзлаш тарзидан ота ўғлини буткул ўзи томонга оғдириб олишга жаҳд қилаётганга, ундан қандайдир ҳайиқиброқ турганга ҳам ўхшаб кетарди. – Мана, ўзинг кўрдинг, қап-катта хотиннинг қилиғими шу? Одам мундай ўтириб, маслаҳатлашиб, кейин кўчага чиқмайдими? Кимдан қарз олиш керак, қанча олиш керак, эртага уни тўлаши қандай бўлади; йўқ, мунақа гапларни хаёлигаям келтирмайди. Рост, рўзғорчилик, уйда гоҳ ун, гоҳ ёғ бўлмай қолади; қайси куни туз узилипти, бировга билдирмай, бирикки кун сабр қилса, туз деган нима нарса, топиларди; йўқ, лик этиб кўчага чиқиб кетиб, Ҳожар беваникига туз сўраб кирипти. У қурумсоқ ҳам бир кафтгина берипти, кўпроқ берса бўлмасмиди, бўларди, лекин бермапти: ҳозир биров бировга нарса берадиган замонми, шуни тушунмайди. Ўзинг кўрдинг, одамга қулоқ солмай ҳовлиқиб чиқиб кетди, кўчага чиқдими қўлига пул келиб тушади, деб ўйласа керак-да, эсини еган!

-Ҳеч қанақа пул керакмас, шунда-ай кетавераман, - деди ўғил йиғламсираган товушда жаҳл билан, отасининг сўзлари унга алам қилиб, номусини келтираётганди; лекин, пулсиз ҳеч қаёққа боролмаслиги ичини эзарди.

-Сен унақа дема, - деди ота уни юпатгандай бўлиб. – Керакмас деганинг нимаси? Қайси кун де, Бобоқулнинг эшакаравасига ўтириб, Шотутлигача борувдим. Жук дориси бор, деб эшитиб борувдим Шотутлига. Бобоқул селитрага кетаётган экан. Шотутлига етиб, аравасидан тушаётсам, Бобоқул йўл кира тўламайсизми, деб қолди. Ҳазиллашгандай бўлиб айтяптию, лекин ул-бул тутқазсам, оладиган, кўзлари йилтираб турибти, де. Пул бўлса тўлайман-да, Бобоқул, дедим. Қўяверинг, ҳазиллашгандим, деди Бобоқул. Келишда йўлни чап солиб, мани ташлаб келаверипти – ана-а ҳазиллашгани. Эшакаравага пулу, ҳалиям аптобус қанча олсаям ҳақи кетади. Шу қурғур бўлганидаку, мунақа ғижиллашиб ўтирмасдик, ма деб, борини қўлингга тутқазиб юборардим, аптобусда маза қилиб кетаверардинг, марожни олиб еганингда ҳам майли эди, йигит кишига томоқ оғриқ нима бўпти – кўнгли тусаганини қилгани яхши. Шу сабилдан қисилиброқ қолганимни кўрмайсанми. Майли, сан шошма, худо хоҳласа, топамиз, бировда бўлмаса, бировда бордир, ишқилиб, сани кўнглингдагидек жўнатамиз, ғам ема.

Ўғил отасига унинг нималар деяётганини англамагандек қаради. Ота қандайдир кичрайгандек, ўзини қаерга қўйишни билмаётгандек бўлиб ўтирарди. Ҳозиргина отасидан жаҳлланиб турган ўғилнинг ичидан нимадир туртди... унга ачинди. Англолмай турганини сўрашга мажбур бўлди:

-Пулингиз йўқмиди?

-Нега йўқ бўларкан? – ўғлининг саволига савол билан жавоб қайтарди ота, ҳайрон қолгандек. – Бор эди! Кўрмайсанми уни, гапга қулоқ солса эканки, мани чўнтагимда пул турса. Ўббў, мунақа серуруғ хотин ҳеч қаерда бўлмаса керак – гоҳ униси, гоҳ буниси тўй-маърака қилади, бир балоларни ўйлаб топишади. Ҳаммасиникига дастурхон кўтариб югуради. Тўрт-беш кун аввал аммасининг келинининг акаси суннат тўйи қипти, тўйболаларга сарпо деб ҳоли-жонимга қўймади, бериб юбордим-да борини. Ўшалар сани латта-путталарингга кўз тутиб ўтиришиптими, десам, мани қариндошларимиздан ажратмоқчимисиз, деб айюҳаннос кўтаради. Мана-а, аҳвол...

Ўғил отасининг гапларига қулоқ тутганича, қандайдир ўй-хаёлларга шўнғиб кетганди. Изтироб чекаётгани, қийналаётгани юз-кўзларидан билиниб турарди. Ўзи туғилиб ўсган, болалиги кечган ҳовлидан тезроқ чиқиб кетгиси келарди, яна қандайдир куч уни шу ерда қолишга ҳам ундарди.

Бу чоқда аёл Ҳожар беваникига етиб, унга ичидаги дард-ҳасратини тўкиб солаётганди:

-Ўлси-ин, шу қурумсоқнинг дардғами мани еб, адо қилади. Аввалига Жабборқулга йўл кира берадигандек туппа-тузук бўлиб турувди, кейин бирданига феъли айниди-қолди.

-Ўқишдаги бачалардан ҳам йўл кира олармикан? – деди Ҳожар бева лабини чўччайтириб, улар ҳам одаммикан, дегандай қилиб.

-Оларкан-да, Ҳожар опа, оларканда! Ҳар гал келиб кетишининг ўзига икки минг кетиб турипти.

-Ундай эса келмай қўя қолсин.

-Келмаса бўларканми? Туғилган уйини, ота-онасини унутиб юборсинми?

-Ундай эса бормай қўя қолсин.

-Ўқишга-я?

-Нима бўпти?

-Ким-кимлар орзу қилиб юрган тайёр ўқишга бормасинми, қўйинг-э, Ҳожар опа!

-Ким ҳам орзу қиларди?

**(Давоми келгуси сонларда)**

**Шойим БЎТАЕВ**

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43. Котибият – 136-56-30. Ижодий гуруҳлар – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс –133-09-93, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-322-25; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 – 369-43-311-81; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-821, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 21.00.

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

E-mail: kishlokhayati@ars-inform.uz

23456